



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МУСТАҚИЛЛИК - INDEPENDENCE
24
ЎЗБЕКИСТОН

ПОЙТАХТНИНГ БИР
КУНИ



МУҚАДДАС ЮРТ ТАРАННУМИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Маданият саройида Ватанимиз мустақиллигининг
24 йиллигига бағишланган «Ягонасан, муқаддас
Ватан!» республика кўрик-танловининг вазирлик
тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари А. Мирзаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С. Сайид ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан буюн аънавий тарзда ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови она Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран кўшиқлар яратишни рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ушбу танловнинг ҳар йили истиклол айёми арафасида ўтказилишида катта маъно мужассам. Зеро, эркин ва озод ҳаётимиз, онгу тафаккуримизда кечаётган ижобий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда қўлга киритаётган улкан ютуқларимиз замирида энг улуг, энг азиз нэмат — мустақиллик тўхфа этган саодат мужассам. Бу йилги кўрик-танлов ҳам юксак савияда ўтди. Унинг барча

босқичида иштирок этган икки юздан ортиқ ижодкор жаннатоманд диёримизнинг кўрку тароватини, тинчликнинг қадрини, миллий қадриятларимиз, бебаҳо маънавий меросимиз, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларни тараннум этди. Уларнинг ижросини баҳолашда кўшиқ матни ва куйининг ўзаро уйғунлиги, хонанданинг ижро маҳорати каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрик-танловда вазирлик Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли биринчи, Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби «Маънавият ва маърифат» маркази бошлиғи С.Нажмиев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ходимлари С.Қаллибеков ва У.Атажонов иккинчи, Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси кўриқлаш бошқармаси инспектори М.Матсаев, Термиз тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори

М.Усмонова, Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати инспектори Ш.Ғаниев учинчи ўринга лойиқ топилди.

— Ватанимиз мадҳ этувчи кўшиқлар яратиш ҳам эл-юрт қорига яраш, унинг раънақи йўлида ҳалол ва фидойи меҳнат қилишдир, — дейди Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби «Маънавият ва маърифат» маркази бошлиғи Савриддин Нажмиев. — Ансамблимиз ижро этган «Ким эдигу ким бўлди?» кўшиғи халқимизнинг истиклол туфайли эришган юксак марралари, эзгу орзу-умидларига ҳақида. Кўшиқ Ўзбекистонимизни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, бугунги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга ундайди.

Тадбирда она Ватан, истиқлол, унинг улкан имкониятлари, мамлакатимизда миллий ўлиқни англаш, асрий аънавларни тиклаш, ёшларни буюк аجدодларимизга муносиб этиб камолга етказиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни тараннум этган куй-кўшиқлар янгради.

(ЎЗА)

МИЛАНДА ЎЗБЕКИСТОН НОЗ- НЕЪМАТЛАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Италияда «EXPO Milano 2015» умумжаҳон
кўргазмаси доирасида қўрилган мева ҳамда
ширинликлар тақдими бўлиб ўтди.

Кўргазманинг Ўзбекистон экспозицияси пештахталаридан жой олган турли-туман қуруқ мевалар ҳамда ширинликлар тадбир иштирокчилари ва меҳмонларида жуда катта қизиқиш уйғотди. Намойиш этилаётган заминимиз ноз-неъматларининг сифати ва таъми уларга ўзгача завқ-шавқ бағишлади. Маълумки, мамлакатимизнинг аjoyиб иқлим шароитлари йил давомида мева ва сабзавотлар етиштириш имконини бергани баробарида уларнинг оби-тобида пишиб етилишига ҳам қўмаклашади.

Шундан сўнг тақдирот Ўзбекистоннинг Миллий павильонига кўчди. У ерда меҳмонлар республикамиздан олиб келинган маҳсулотлар билан танишишни давом эттирдилар. Меҳмонлар бу ерда чойнинг бетакрор таъмидан ҳамда юртимизда тайёрланган табиий шарбатлардан татиб кўриш имконига ҳам эга бўлишди.

Кўргазманинг иштирокчилари ва меҳмонлари Ўзбекистон ноз-неъматлари юқори сифатга ва бетакрор таъмга эга эканлигини завқ-шавққа тўлиб эътироф этдилар. Улар яқдиллик билан мамлакатимиз бўйлаб сафар қилиш ва қуёшнинг ўлкамизни ўз кўзлари билан кўриш нияти туғилганини маълум қилишди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон аънавий равишида агросаноат йўналишидаги турли халқаро кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Хусусан, жорий йили мамлакатимиз вакиллари Берлинда бўлиб ўтган

«Fruit Logistica 2015» халқаро ярмаркасида ҳам қатнашдилар. У ерда ҳам маҳсулотларимизнинг таъми кўриниши, аjoyиб таъми ва сифати қўллаб мутоахассислар ва сармоядорлар томонидан ўз эътирофини топди.

«EXPO Milano 2015» умумжаҳон кўргазмасидаги Ўзбекистон Миллий павильони 500 квадрат метр майдонни эгаллаган. Бу саҳнда мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йиллари давомида эришилган муваффақиятлари, унинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти намойиш қилинмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаятган эркин индустриал-иқтисодий зоналардаги бизнес юритиш имкониятлари, қулай сармоявий муҳит, ривожланган транспорт ва логистика инфраструктураси, бой маданий мерос, тарих ва замонавийликка оид афрочилик маълумотлар ҳам тақдим этилган. Шу билан бирга, кўргазмада қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилган ишларнинг натижалари, дон мустақиллигига эришиш, экологик жиҳатдан тоза мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ривожини, соҳада замонавий технологиялар қўлланилишига оид маълумотлар билан ҳам яқиндан танишиш мумкин.

«EXPO Milano 2015» кўргазмаси 2015 йил 31 октябрга қадар давом этади. Ўзбекистоннинг Миллий павильони ўз ишини давом эттирмоқда.

«Жаҳон» АА
Рим



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

• Наманганда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама-сига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги Мурувват уйи капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида Элликқалъа туманидаги «Бўстон бунёдкори» масъулияти чекланган жамияти томонидан таъмирланган 160 ўринли Мурувват уйи қошида 50 ўринли янги бино ҳам қурилди.

• Самарқандда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 7 апрелдаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарори билан аънавий ўтказиб келинаётган мазкур танловнинг вилоят босқичида қирққа яқин хонанда ва бадий жамоалар бетакрор Ватанимиз мадҳ этилган кўшиқлари билан иштирок этишди.

• Наманган вилояти Мингбулоқ туманида Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги байрами олдида «Ватан останада бошланади» шиори остида фестивал ўтказилди. Унда 1500 нафардан зиёд аҳоли, хусусан, ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Intel корпорацияси 2015 йилнинг иккинчи чорағида 13,2 миллиард доллар даромад қўрганини маълум қилди. Операциялар фойда 2,9 миллиард доллар, соф фойда 2,7 миллиард доллар ва битта акция учун даромад 55 центни ташкил этди. Операциялар натижасида корпорация тахминан 3,4 миллиард доллар нақд даромад кўрди, 1,1 миллиард доллар дивиденд тўлади ва ўз акцияларининг 22 миллиончасини сотиб олиш учун 697 миллион доллар сарфлади.

• Американинг Калифорния штатида ўрмон ёнғини катта йўлга тутатиб кетгани оқибатида йигирмадан зиёд автомобиль ёниб кетди. Курбонлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. Ҳодиса Лос-Анжелес ва Лас-Вегас ўртасидаги йўлда бўлиб ўтди. Машина ичидаги одамлар транспорт воситаларини зудлик билан тарк этишга мажбур бўлган. Ўрмон ёнғини Сан-Бернардино шаҳридан шимоли-шарқда жойлашган 50 гектар майдонга тарқалган. Бу ҳудудлардаги дам олиш масканларидан 300 га яқин сайёҳ, жумладан, 130 нафар бола хавфсиз жойга кўчирилди. Ёнғинни ўчиришга авиация жалб этилди.

• Платинили астероид ерга максимал яқин масофада учиб ўтди. Ҳодиса астероиднинг таркиби туфайли кўплаб қизиқिशларга сабаб бўлди. Астрономларнинг аниқлашича, ушбу самовий jisм ядроси 5,4 триллион доллар қийматга эга бўлган, юз миллион тоннага яқин платина ва бошқа қийматбаҳо минераллардан таркиб топган. Диаметри бир километрдан камроқ бўлган астероид Ердан 2,4 миллион километр масофада учиб ўтди. Бу Ердан ойгача бўлган масофадан олти марта узокроқдир.

Инсоннинг ҳаёт даражаси ташқи кўринишида, юриш-туришида ҳам намоён бўлади. Айниқса, аёлларнинг бахти уларнинг юз-кўзларида, либосларида барқ уриб туради.

БАХТЛИ МАМЛАКАТНИНГ ГЎЗАЛ АЁЛЛАРИ

Онамнинг ёшлиқдаги суратларини томоша қилиб ўтириб, бир жиҳат эътиборимни тортиди: илгариги аёлларнинг кийиниши бир хил ва жуда оддий. Ўттизга кириб-кирмаган қиз-жувонларнинг кўзларида мунг бўлган.

Собиқ тузум давридаги газета-журналларда, китобларда ҳам шу аҳвол. Фотосуратларда офтобда қорайиб кетган, қўллари қосовдек хотин-қизлар тасвири. Мақола ва бадий асарларда даладан бери келмайдиган, меҳнаткаш ва жафокаш аёллар образи.

«Темир хотин» драмасидаги мана бу жумлалар ўша давр хотин-қизларининг кундалик ҳаётини яққол ифодаляди. «Юв, то-зала, тик, яма, супур! Бир қақирим наридан сув олиб келиб, кир ювади! Манави тезак ёқилайдиган лаънати ўчоғингизда овқат қилади! Еб тўймайдиган очофат молларингиз бор: эрта-лабдан кечгача ўт бер, ем бер, сув бер! Хамир қоради, сигир соғайди, қуви пишади! Э, бу уйингизнинг иши тугайдими ўзи, йўқми?»

Мендек янги замон қизи учун бундай ҳаёт тарзи ажабланарли, тушунарли. Буни онамга айтсам, хўрсиниб жавоб бердилар: ўша пайтда шароит шундай эди. Пардоз деганда унга ўхшаган уяю лаб бўёғидан бошқа нарсани билмасдик. У ҳам ўзига тўқ оилаларнинг қизларида бўларди. Аёлларда ўзига қарашга вақт ҳам, хоҳиш ҳам, имкон ҳам йўқ эди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 20 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев бошқарди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 6 август куни Тошкент шаҳрида қақариш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислох қилишга ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўйбга чиқаришга, аҳолининг фаровонлигини оширишга ва ижтимоий муҳофаза қилинишини кучайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилмоқда. «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Бўлғуси ялпи мажлисда сенаторлар конституциявий ваколатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қиладилар.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг учинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тuzилди.

Кенгаш мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йилга ва келгуси йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг 2015 йил биринчи ярмидаги ижроси тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Ушбу масала сенаторлар томонидан ҳар томонлама қўриб чиқилиб, Ҳаракат дастурининг тўлиқ ижро этилишига эришиш, бу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган қатор тақлифлар киритилди. Муҳокама яқунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенат Кенгаши ўз ваколатига қирадиган бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун хотин-қизларнинг кийиниши, пардоз-андози тамомла бошқача. Халқимизнинг, айниқса, аёлларимизнинг кийинишга, кийим танлашга, модага бўлган эътибори, эҳтиёжи ва талаби бутунлай ўзгарган. Улар гўзаллик, дид билан кийинишда дунёнинг манаман деган мамлакатлари хотин-қизларидан сира қолишмайди. Юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий савияси, ижтимоий фаоллиги тобора юксалиб бораётганини давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида яққол кузатиш мумкин. Юзлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, миллий ва замонавий либослар ательелари қуриб, фойдаланишга топширилаётгани хотин-қизлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиб, уларнинг янада кўрам ва латифатли бўлишига имкон яратмоқда.

Бу борада ҳам шахар ва қишлоқ ўртасида фарқ қолмади, десак хато бўлмайди. Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар аёллар ҳаёт сифатини янада оширди. Уларда уй-рўзгор ишлари учун барча шароит – иссиқ ва совуқ сув, газ ва электр энергияси мавжудлиги бекаларнинг оғирини енгил қилмоқда. Натижада улар оиласига, ўзига кўпроқ вақт ажратмоқда.

Турмуш даражаси юксалгани сари инсоннинг ўзига, оиласига эътибори ҳам ортиб бораверади. Озода ва соғлом яшашга, яхши кўринишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, аёлларнинг гўзаллик салонларига, косметика ва парфюмерия маҳсулотларига талаб ошиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Бугун қайси дўконга кирманг, бундай воситаларнинг хилма-хиллигидан қай бирини танлашни билмай қоласиз. Бундай мўл-кўлчилик осмондан тушгани йўқ. Зотан, бу истиқлолнинг илк йилларида мамлакатимиз ички бозорини юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилаётган изчил ишхотлар самараси, фаровонлик ва тараққиёт нишонасидир.

Дарҳақиқат, истиқлол шарофати билан халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқарashi, тафаккури, талаб ва эҳтиёжлари бутунлай ўзгарди, турмуш маданияти юксалди. Бундан бир неча йиллар аввал барчамизни ҳайратлангирган кашфиётлар бугун кундалик ҳаётимизда фойдаланиладиган оддий воситага айланди. Бугун ҳар қадамда учрайдиган катта-кичик дўконлар, бозору супермаркетларда юзлаб турдаги парфюмерия, косметика ва гигиеник воситаларни кўриб, кўз қувонади. Расталарда тартиб билан жойлаштирилган, ҳар қандай мижознинг диди ва хоҳишига мос исталган машҳур бренд маҳсулотларини, уларнинг хилларини санаб адоғига етиш қийин. Бугун дўконларимизда таклиф этилаётган товарлар энг нозиктаб харидорга ҳам манзур бўлади.

Президентимиз раҳнамолигида босқичма-босқич амалга оширилаётган ва юксак самаралар бераётган кенг қўламли ишхотлар жараёнида парфюмерия, косметика ва гигиена товарларини ўзимизда ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун савдо пештахталарида бундай маҳсулотларнинг «Le Asante», «Feather Finish», «Angeline», «Fito», «Aroma», «BioLife», «Life Color», «Else», «Amore Fresh», «Fabienne», «Happy», «Eclair», «Spuma» каби юзлаб турини учратиш мумкин. Ўзбекистонда тайёрланаётган косметика воситалари юксак сифати ва табиийлиги билан ажралиб туради. Ушбу маҳсулотларни ҳар қандай тери тури ва мавсумга мосини исталган миқдорда харид қилиш имкони мавжудлиги бизни дориларимон давр шуқудан баҳраманд бўлаётганимизга яна бир бор шукрона айтишга ундайди.

Мамлакатимизда бундай косметика воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда. «Le Asante Cosmetics», «Jasmin Fito Pharma», «Bioline-kosmetiks», «Unilever chemical», «Fabienne inter group», «Eclair Cosmetics», «Angeline Cosmetics», «Aromasq International» каби компаниялар юздан ортиқ турдаги шундай маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 1 декабрдаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги компанияларни ташкил этиш, мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш

қувватларини кучайтириш ва маҳсулот турини кенгайтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Илгари парфюмерия ва косметика воситалари мамлакатимизга фақат четдан келтириларди. Эндиликда бу турдаги маҳсулотлар маҳаллий корхоналаримизда тайёрланиши баробарида, уларнинг маълум қисми хорижга ҳам сотилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳридаги «Eclair Cosmetics» Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонасида ана шундай харидорларга маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. 2011 йилдан бундан фойдаланиб қўшма корхона соҳа ва терини парвартириш воситалари билан мамлакатимиз косметика бозорига мустақкам ўрин эгаллаган. «Eclair» ва «Spuma» брендлари остидаги ўттиз олти хил рангдаги крем-бўёқлар, юздан зиёд турдаги шампунь ва балзамлар, суялтирилган совун, кремлар истеъмолчиларга яхши таниш. Бугунги кунда корхона маҳсулотлари ўнлаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Мамлакатимиздаги иқтисодий эркинлик самарасида қўшма корхона фаолияти тобора ривожланиб, ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда. 2014 йилда бу ерда тўрт ярим миллион донага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг беш миллионга етказиш режалаштирилган.

Қўшма корхонада қирққа яқин йилгит-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш, тажриба алмашиш мақсадида Германия, Ита-

Мамлакатимизда косметика усталари касбини омиллаштириш, соҳа мутахассисларининг ижодий маҳоратини баҳолаш, бу борада истеъдодли ёшларни кашф этиш мақсадида ҳар йили «Beauty Expo Uzbekistan» гўзаллик саноати кўргазмаси, «Миллий либос» республика мода фестивали доирасида декоратив косметика ва нейл-дизайн «Нафосат» танловлари каби қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бу мамлакатимиз гўзаллик саноати соҳасидаги ютуқларни намойиш этиш, даволаш косметикасининг табиий усуллари аҳолининг эътиборини кучайтириш, табиий маҳсулотлар асосида яратилган пардоз маҳсулотларини кўпайтириш, соҳа мутахассисларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон сартарошлар ва косметологлар уюшмаси раиси Фарҳод Шомуродовнинг сўзларига кўра, сўнгги йилларда мамлакатимизда мода саноати жадал ривожланмоқда. Инсоннинг ташқи кўриниши ҳам замонага уйғун ва гўзал, ички дунёсига мос бўлиши лозим. Ёшларнинг эстетик дидини ошириш, уларни гўзалликка ошно қилиш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Соҳада ўтказилаётган турли анжуманлар айтиш мақсадида йўналтирилган. Ўзбекистонда бизнесни юритиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун яратилаётган қўлай шароитлар ҳам бу борада муҳим омили бўлмоқда. Бунинг самарасида аҳолига кўплаб замонавий хизмат турлари, жумладан, соҳа ва юз парвартириш бўйича хизмат кўрсатаётган гўзаллик салонлари тармоғи йил сайин кенгаймоқда, соҳага кўплаб ёшлар жалб этилмоқда. Юртимиз вакиллари халқораро танлов ва фестивалларда ғолиб бўлмоқда, Европа мамлакатларида маҳорат сабоқларини ўтказмоқда.

Бугун юртимиз дўконларидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган парфюмерия ва косметика воситаларини харид қилиш имконияти қанчалик кенг бўлса, хорижда тайёрланаётган маҳсулотларни топиш ҳам шунчалик қўлай ва осондир. Ўзбекистон мустақиллигини кўлга киритган, ривожланган давлатлар билан савдо алоқаларини изчил йўлга қўйди. Ўзбекистон билан АҚШ, Жапония, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Италия, Германия, Франция, Швеция, Польша каби кўплаб мамлакатлар ўртасида мустақкам савдо-иқтисодий муносабатлар қарор топган.

Эски замонларда сотиб олишга қўлимиз калталиқ қилган, топиш амри маҳол бўлган хорижий энг машҳур савдо маркалари остида ишлаб чиқарилаётган парфюмерия ва косметика маҳсулотлари ҳам бугун дўконларимиз пештахталарини тўлдириб турибди. «Burberry», «Bilgari», «Chanel», «Christian Dior», «Clinique», «Dior», «Elie Saab», «Gucci», «Hugo Boss», «Kenzo», «Moschino», «Yves Saint Laurent» каби машҳур брендлар остидаги атир-упалар, кремлар, туш, лаш ҳамда лаб, соч ва кўз бўёқлари, турли гигиеник воситаларни сотиб олиш имкониятига эгамиз. Мамлакатимизга четдан кириб келаётган ҳар бир маҳсулот, жумладан, парфюмерия, косметика ва гигиена воситалари жиддий текширувдан ўтказилган ҳолда сертификатлаш асосида сотувга чиқарилиши бу борадаги хавфсизлиқни таъминлашда муҳим омили бўлаётди.

«Beauty Expo Uzbekistan» кўргазмасида мунтазам иштирок этиш асосида мамлакатимизда гўзаллик саноати изчил ривожланаётганига амин бўлдим, – дейди атир ва косметик воситалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Carlo Bossi Parfumes» компанияси бош директори Анжей Биздра (Польша). – Мамлакатимизнинг аёллари ораста ва гўзал бўлиши билан бирга нозик дид соҳибалари эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Маҳсулот тайёрлаш жараёнида уларнинг фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларини ҳам афторчилиқ ўрганамиз.

Ҳа, бугун юртимизда хотин-қизларнинг гўзаллик саноати соҳаси хизматларидан унумли фойдаланиши учун барча шароит мўжайиб. Эндиликда тақдим этилаётган гўзаллик саноатининг маҳаллий ва хорижий маҳсулотлари кўлигидан ҳайратга тушамиз. Танлаш имкони чексизлигидан шошиб қоламиз. Зотан, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, айнан истиқлол даврида биз кўп нарсаларни худдики қайтадан кашф этгандек бўлмоқдамиз. Аёл гўзал бўлса – олам гўзал, аёл бахтли бўлса – оила; бутун жамият бахтли бўлади, деган қараш онгу шууримизга чуқур кириб бораётгани ва бизнинг ҳаётий фалсафамизга айланаётганини ҳар томонлама англаб етмоқдамиз.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси

БАХТЛИ МАМЛАКАТНИНГ ГЎЗАЛ АЁЛЛАРИ



лия, Испания, Франция каби мамлакатлар мутахассислари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Eclair Cosmetics» мамлакатимизнинг барча ҳудудда дистрибуторлик тизимига эга. Бу маҳсулотларни аҳолига ўз вақтида етказиш, истеъмолчиларнинг компания маҳсулотларига талаби ва муносабатини доимий ўрганиш ҳамда маҳсулот сифатини ошириб бориш имконини бермоқда.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган «Navoiy Beauty Cosmetics» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси маҳсулотлари ҳам жуда харидордир. У мамлакатимизда косметика ва парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик корхоналардан бири. Корхона юз териси парвартириш бўйича воситалар, пардоз, парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ишлаб чиқариш жараёни Жанубий Кореядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналарда амалга оширилмоқда.

– 2010 йилда ташкил этилган корхонамиз турли косметика ва парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқаради, – дейди «Navoiy Beauty Cosmetics» қўшма корхонаси раҳбари Ким Сеонг Сиг. – Айни пайтда юздан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмиз ва уларнинг турини янада кенгайтириш устида иш олиб бормоқдамиз. Ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий хомашдан фойдаланилаётгани маҳсулот нархи ва сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айтиш жоизки, ҳар қандай маҳсулотнинг чиройли қадоқланиши харидор эътиборини тез тортади. Мамлакатимиз корхоналарида замонавий ва илгор технологияларнинг ишлаб чиқаришга кенг жалб этилиши маҳсулот сифати ва қадоқланиш дизайнининг янада яхшиланишга ижобий таъсир кўрсатаётди. Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар қўламининг тобора кенгайиб бораётгани шахару қишлоқларда саноатни ривожлантириш, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг янада ошириш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда. Бу мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал тараққиётга салмоқли ҳисса бўлиб қўйилаётди.

ТЕЖАМКОР, СИФАТЛИ ВА ҚУЛАЙ

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан, қўшма корхоналарни ташкил этиш ва ташқи инвестицияларни жалб қилишга катта эътибор қаратилган бўлиб, инвесторлар учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратилган.

Қўшма бизнес лойиҳаларини амалга оширишда Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг яқин ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасида тузилаётган янги-янги шартномалар ўзаро шерикликнинг ривожланаётганидан далolat беради. Бугунги кунгача Ўзбекистон ва Хитой ўртасида кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилган бўлиб, улар мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Яқинда улар қаторига яна бир корхона қўшилди.

Пойтахтимизда Хитойнинг «Lifan Industry Group Co.Ltd» компанияси билан ҳамкорликда мототехника воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Chang Hao Group» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ.

Ушбу корхонанинг ташкил этилишида 350 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилиб, хориждан келтирилган замонавий технологиялар асосида икки ва уч йил-

диракли мотоцикллар ишлаб чиқарила бошланди. Иқтисодий жиҳатдан тежамкор бўлган ушбу мотоуловлар қишлоқ ҳўжалиги ва коммунал соҳа учун жуда асқотади. Тежамкор бўлишга қарамаддан 650 килограммдан ортиқ юкни манзилига етказадиган бу мототехникалар деҳқон ва фермерлар учун қўл келиши шубҳасиз.

– Ҳозирги кунда корхонада олти хилдаги мотоцикллар ишлаб чиқарилаётган бўлиб, зарурий бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг 45 фоизи маҳаллийлаштирилди, – дейди «Chang Hao Group» масъулияти чекланган жамияти юридик бўлими бошлиғи Азиз Ҳакимов. – Кейинчалик икки-уч йил ичида бу кўрсаткич 70-80 фоизга чиқаришни режалаштирмоқдамиз. Шунингдек, электр скутерлар ва генераторлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Маҳсулотимиз тежамкор-

лиги, сифатлилиги ва қўлайлиги билан харидорларга маъқул келиши аниқ.

Янги ишга тушган корхонада 35 нафар киши иш билан таъминланиб, уйдан узоқ бўлмаган жойда меҳнат қилиш имкониятига эга бўлдилар. Ишчиларнинг асосий қисmini ёшлар ташкил қилади. Дониёр Рустамов улардан бири.

– Ёшлигимдан техника воситаларини йиғишга қизиқаман. Бугун ўзимга ёқадиغان иш ва янги корхонада меҳнат қилаётганимдан мамнунман, – дейди Дониёр. – Корхонада ходимлар учун барча шароит яратилган. Жамоамиз билан аҳил ва бирдамликда ишлаймиз, маошимиз ҳам ёмонмас.

Ҳозирда корхонада «Lifan» бренди белгиси остида бир йилда ўртача миқдарида ортиқ мотоцикл ишлаб чиқарилади. Келгусида маҳсулот тури ва сонини кўпайтириш режалаштирилган.

Абдували СОДИКОВ

ЭЗГУЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ШУКРОНАЛИК АЙЁМИ

Мамлакатимизда эзгулик, саховат, меҳр-оқибат, қаноат ва шукроналик айёми – муборак Рамазон ҳайити кенг нишонланди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Рамазон ва Қурбон ҳайити умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинаётгани юртимизда диний бағрикенглик тамойилларини таъминлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далolatдир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 июлдаги «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ бу йил ҳам юртимизда ушбу айём кенг байрам қилинди. Мамлакатимиздаги барча жомеъ масжидларида мўмин-мусулмонлар ҳайит намозларини эмин-эркин адо этиб, Яратгандан юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўқин-сочинлик ва фаровонлик бардавом бўлишини тилаб, дуо қилди. Бир-бирини байрам билан табриклаб, фарзанду невараларига ширинликлар ва совғалар улашди.

...Пойтахтимиздаги Минор масжиди эрта тонгданок юртдошларимиз билан гавжум бўлди. Президентимиз гоёси билан миллий меъморлик анъаналари асосида барпо этилган ушбу муаззам мажмуанинг ички ва ташқи кўринишида, баҳола айвонлари, миллий ўймакорлик услубида ишланган устунлари, бино куббасида зийнатланган нақшларда халқимизнинг пок қалби, олижаноб орзу-интилишлари, эзгу ниятлари мужассам.

– Халқимиз маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутган, моҳиятида яхшилик, хайр-саховат, меҳр-оқибат каби фазилатлар, эзгу қадриятларимиз ўз ифодасини топган ҳайит айёминини кўтаринки руҳда, эмин-эркин нишонладик, – дейди Шомурод ота Ҳайитов. – Бу истиқлолимиз шарофатидан. Мана шундай эътиқод эркинлиги таъминланган, тинч ва обод юрда яшаётганимизга қанча шукрона айтсак кам. Ёшлар учун оддий ҳол бўлиб туюлар, лекин бу қандай улкан бахт эканини биз, катта авлод вакиллари яхши англаймиз. Ахир, бир пайтлар шу оддий имкониятлардан ҳам маҳрум эдик. Шўқри, бугун ҳаётимиз буткул ўзгарди. Юртбошимиз раҳнамолигида миллий-маънавий қадриятларимиз тикланди, илм-маърифат бардавом ривожланмоқда. Миллий ўзлиқни англаш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу барчамизни беҳад хушнуд этмоқда.

Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан маълум қилишларича, мамлакатимиздаги барча маҳаллаларда ушбу хайру саховат, меҳр-оқибат, шукроналик айёминини байрамона кайфиятда қутиб олиш ва ўтказиш учун барча чора-тадбирлар қўрилди. Байрам арафасида «Нуроний» жамғармаси, кўплаб жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Меҳрибонлик, Муруват ва Саховат уйларида ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

Рамазон ҳайити муносабати билан Учтепа туманидаги «Истироҳат» маҳалласи фаоллари Мардик кўчасида яшовчи Темур бобо Рихсиев ҳолидан хабар олди. Ёшлар уй юмушларига ёрдам берди. Бундан отахоннинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

– Мамлакатимизда муборак айём кунларида отахон ва онахонларни зиёрат қилиш яхши анъанага айланган, – дейди ЎЗА мухбирига маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Мирзакаримова. – Рамазон ҳайити муносабати билан маҳалламизда истиқомат қилувчи Темур бобо каби ўттизга яқин ёши улуг инсонлар хонадонларига бориб, уларга хайр-саховат ёрдами кўрсатилди. Зеро, мўътабар кексаларни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш – энг улуг, энг савобли ишлардан. Кексаларни эъзозлаш йилида бунинг аҳамияти янада ўзгача.

Бу йил ҳам Рамазон ҳайити халқимизнинг энг улуг, энг азиз айёми – Мустақиллик байрамига уйғун тарзда нишонланмоқда. Байрамлар муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудига кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг шахар ва қишлоқларида кўча ва ариқлар, муқаддас қадамжолар, қабристонлар ва уларнинг атрофи тартибга келтирилмоқда.

– Озод ва обод, тинч-тотув, фаровон юрда байрамлар ярашади, татийди, – дейди Шаҳрисабз туманидаги «Заргарлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масъулоти Нодира Абдуллаева. – Халқимиз Рамазон ҳайитини эзгу амаллар ва кўтаринки руҳ билан қутиб олгани юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги, дастурхонимиз тўқинлигидан. Халқимизнинг тинимсиз меҳнати, изчиллик билан олиб борилаётган кенг қўламли ишхотлар туфайли қўлга киритилаётган бундай улкан ютуқлардан барчамиз фخرланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз. Зеро, ҳар биримиз ўз оиламиз, маҳалламиз, эл-юртимиз равнақи учун ҳисса қўшишни инсоний бурчимиз, деб биламиз. Президентимизнинг «Инсон бахт учун дунёга келади», деган сўзлари бугун эзгу даяват каби қалбларимизни ёритмоқда.

Дилшод КАРИМОВ

«Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳудудда жойлашган 29-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Юлдузчалар» номли ёзи соғломлаштириш оромгоҳида «Бетақор болалик» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ОЛАМИГА САЁХАТ

Тадбир «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЁИХ шахарча Етакчилар Кенгаши томонидан ёшларнинг дунёқараши янада бойитиш, ўқувчи-ёшларда ўзига бўлган ишонччи ва хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишни уйғотиш, уларда санъатга муҳаббатни кучайтириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда қизиқарли ўйинлар, турли психологик тестлар, куй-қўшиқлар ҳамда бола-жонларга завқ берувчи аjoyиб томошалар намойиш этилди. Тадбирни Глиэр номидаги РИМАЛнинг эстрада йўналиши ўқувчиси Дилдора Усмонова «Болалик — беғуборлик» номли мусикий чиқиш билан очиб берди.

«Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шахарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан ташкил этилган Сардорлар Кенгаши аъзолари бола-жонларнинг фикрлаш қобилияти ва тезкорлигини ошириш, ўзига бўлган ишонччи ор-тириш мақсадида қизиқарли бошқотирма ўйинлар ва психологик тестлар ўтказишди.

Болажонларда катта қизиқиш уйғотган қисми «Истеъдод шоу» танлови бўлди.

Танловнинг «Моҳир кўллар» йўналишида болажонлар ўз тасаввурларини ишга солган ҳолда аjoyиб оригамилар ясадилар. «Тас-вирий санъат»да табиат манзараларини қозоғга туширишди. «Замонавий рақс» йўналишида чет эл куй-қўшиқларига рақсга тушишди. «Музыка ижроси» йўналишида қоби-лятли болажонлар ўз ижро маҳоратларини намойиш этишди.

«Истеъдод шоу» танловидан сўнг «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шахарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан ташкил этилган Сардорлар Кенгаши аъзолари ижросида «Кувноқлар ва зукколар» чиқиши бўлиб ўтди.

Тадбир сўнгида фаол иштирок этган ва турли қизиқарли ўйинларда ғолиб бўлган болажонларга ташкилотчиларнинг эсдалик совгалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА



Ислам Исмаилов билан сўраётлар

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Юртимизда ёш авлодни соғломлаштириш ва ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Болаларни ёзи оромгоҳларда соғломлаштириш йўналишида олиб борилаётган ишлар ҳам шулар жумласидан.

гоҳлар сони ўтган йилга нисбатан қарийб 100 тага кўпайди, — дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Мухаббат Урмонбекова. — Улардан 208 таси стационар, 818 таси кундузги, 141 таси «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳларидир. Соғломлаштири-лиш режалаштирилган болалар сони эса ўтган йилга нис-батан қарийб 10 минг нафарга ортиб, 287 минг 171 нафар-ни ташкил этди.

Тадбир давомида жорий йилда ихтисослаштирилган оромгоҳлар йўналишлари кўпайиши билан бирга улар фа-

олияти сифатини оширишга ҳам катта эътибор қаратилаёт-гани, ҳар бир ҳудудда Интеллектуал ривожлантириш, Ҳарбий-спорт, Ижтимоий-мислалашув, Экологик-биологик, Ўлкашунослик, Техник ижодкорлик, Бадий ижодкорлик, Меҳнат ва дам олириш оромгоҳлари фаолият кўрсатиб келаётганига ҳам таъкидланди.

Анжуманда иштирок этган оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зафар НАЗАРОВ

Ганни кўп ҳам эътибор беравермай-диганимиз бир масалага муносабат-дан бошласак. Бизнингча бу ҳам му-ҳим.

Кўпчилигимиз сахар-мардонда ту-рамиз. Тоza ҳаводан тўйиб-тўйиб на-фас олиш учун кўп қаватли уйимиз ат-рофида бир сайр қилиб келишни одат қилганимиз. Бу ҳар қандай кишининг кайфиятини кўтарди. Рухини тетик қилади.

Лекин... Унинг йўналишида чиқаётганимизда тўрт-бешта ит олдингизни кесиб ўтса, бу-нинг устига булар дайди итлар бўлсачи? Орасида кўтергани ҳам бўлмайди, деб ким қасолат беради?

Унингиз яқинидаги мактабнинг стадио-ни — пийда айланш учун жуда қулай жой. Лекин баъзан бу ерда ҳар қадамда дайди ит ва мушукларга дуч ке-лаверсангиз хотиржам айланолмаслигингиз мумкин. Айниқса куз-ки фаолларда ту-нинг қисқариши ту-файли бу муаммо яна-да мушкуллашади.

Борингки, бу жон-зотлар одамларга ташланмади, ҳам дей-лик. Аммо бу дайди хайвонлар турли ка-салликлар тарқатмай-дими?

Кўпқаватли уйдаги хонадоннинг ичида ит ва мушук боқш шохримизга ҳам етиб келганига анча бўлган.

Хўш, бу маданиятлик белгисими? Тўғри, табиат фақат одамзоддангизга иборат эмас, айниқса, унда яшаш ҳуқуқига эга жонзотлар ҳам бор. Бари яратилмиш жонли мавжудот кишилар тарафидан ас-раб-авайланиши лозим. Агар тартиб-қоида, санитар ҳолатига қатъий риоя этилса, ал-батта.

Аммо... Кўпқаватли уйлардаги хонадонларда ин-сон учун яшаш шароитлари муҳайё қилин-ган, хайвон учун эмас. Аввало, одам уйига оёқ кийимини ёки киради. Ит ёки му-шук, кўчада нимани босиб келганидан қатъий назар, уйга шундоқ қираверади. Ёнг ёмони улар теккан озиқ-овқатни истеъ-мол қилиш одам учун кўпдан-кўп касал-ликларни келтириб чиқариши мумкин ва ҳоказо.

Кўпқаватли уйда ит ёки мушук боқи-лаётган хонадондан анқидиган хид қўшиларини ҳам безовта қилиши — тур-ган гап. Итларнинг вақт-бемаҳалда во-вуллашгани эса айтмай қўя қолайлик. Бу ўринда бир кишининг манфаати бошқа-ларнинг, яъни кўпчиликнинг манфаатига аид келиб қолади.

Яна бир муаммо бор. Кўпқаватли уйлар жойлашган ҳовлиларда болалар учун ўйин майдончалари барпо қилинган. Баъзи кал-таблар ит ва мушукларини эрталаб ва кечқурун айнан ана шу ерларда айлан-тиради. Ахир, ана шу жойларда жажжи фар-зандларимиз ўйнайди-ку.

Маҳаллалардаги базми мактаб ва мак-табча таълим муассасалари ҳовлилари ҳам базми ит боқувчилар учун тайёр жой-га айланиб улгурган. Хусусан, боғчалар-даги ўйинга мўлжалланган айвон ва май-

дончалар, мактаб стадионлари — итлар учун қулайгина сайлгоҳ. Лекин экологик жи-ҳатдан энди шу ерда болаларнинг ўйна-ши, мактаб ўқувчиларининг жисмоний тар-бия дарсини ўтишини тасаввур қилинг.

Хўш, бугун шахримизда нечта ит ва нечта мушук бор? Ҳеч ким бунинг ҳисобини юритолмайди. Уйда боқила-ётган ит ва мушуклардан ташқари, кўчаларда эгасиз санқиб юрган дай-ди ит ва мушуклар қанча? Уларнинг ҳовлиларга, кўпқаватли уйларга, улар-нинг йўлакларига кириб юриши, ўзига озиқ-овқат излаши, махсусолтарни иф-лослантириб, истеъмолга яроқсиз қилиб кетишини айтмайсизми?

Агар озиқ-овқатнинг ҳидини олса, му-шук юқори қаватдаги хонадонлар дераза-лари ёнида ҳам пайдо бўлади.

лаб ўйнашига мўлжалланган кўп қаватли уйлар ўртасидаги бир парчагина ўйин май-дончасида ҳам «ит етаклаган хонимлар» каллаи сахарлаб итларини сайру саёҳат қилдираверади...

Холбуки, «Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари»-нинг тўртинчи қисмида «Итлар ва му-шуклар эгаларининг ҳуқуқ ва мажбу-риятлари» белгилаб берилган. Жумла-дан, 18-бундда «Итлар ва мушуклар-нинг умумфойдаланишидаги жойларни (кириш жойларини, зинапоя майдон-чаларини, лифтиларни, болалар май-дончаларини, йўлакларини, кўчалар-лаштирилган ва ободонлаштирилган ҳудудларни ва ҳоказоларни) ифлос қилишга йўл қўймаслик» қатъий тарз-да белгиланган. Ҳатто, ит ва мушук

дарвозани очиб юбурсангизми, нақ юзи-гизга ташланмади. Бир кекса киши бир ҳовли дарвозасини тақиллатиб борса, хайотдек келадиган ит чиқиб, меҳмонга ташланибди. У итдан ҳимояланиб йиқил-ган. Лекин бели синиб, шу бўйи тузал-май, ҳаётдан қўз юмганлигини эшитган-миз.

Худо кўрсатмасин, киминдир кутурган ит ёки мушук тишласа, ўша одам қай ахволда қолади?

Бундан ким жаф қўради? Инсон! Энди бунинг оғир оқибатларини бартараф этиш учун қанча куч, маблаг, сабот керак.

Тиббиёт фани исботлаганки, одам қўрқиб орқасидан ҳам кўп касалликлар ортириб олиши ҳеч гап эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг эслатиб ўтилган 202-сонли қарорида қаровсиз

қолган дайди ит ва мушукларни тутиб, йўқотиш чорасини кўриш ҳам қўзда ту-тилган. Ҳатто, шу қарор асосида шахар ва туман ободонла-штириш бошқарма-лари, шахар ва туман давлат ветеринария бўлиmlарининг итлар-ни тутиш бригадала-ри негизида қаровсиз қолган хайвонларни тутиш бўлиmlари ҳам ташкил этилган...

Мулоҳаза учун мавзу

ШАҲАР ЭКОЛОГИЯСИ ВА САНИТАР ҲОЛАТИНИ

сақлашда қаровсиз қолган жонзотлар муаммосини биргаликда бартараф этиш чораларини ҳам кўрмоғимиз зарур

Шахримизда ит ёки мушукларнинг сунъ-ий кўпайишида айрим кишиларнинг кун-далиқ озиқ-овқат чиқиндиларини уял-май-нетмай уйнингиз атрофида тўйиб кетиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Шаҳар кўчаларида ит етаклаб юриш оқибатида келиб чиқадиган муаммолар матбуотда илгари ҳам кўтарилган. Бир пу-блицистнинг «Ит етаклаган хоним» деган мақоласида шахарда ит боқилиши талай экологик, санитар ва маънавий жиҳатлари таҳлил қилинган эди. Бироқ ҳаёт бу мав-зуга қайта-қайта мурожаат қилишни тақ-зо этмоқда.

Уша ёзган ижодкорлигининг бундан 20 йил илгари айтган фикрларига бир қўшим-ча қилмоқчимиз. Ҳозир ит боқилишини тар-тиб-қоидалари ҳақида махсус қонуности ўжжатлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлда им-золанган 202-сонли қарори айнан «Қаровсиз қолган хайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» деб номлана-ди. У «Аҳоли пунктларида итлар ва му-шукларни сақлаш масалаларини тар-тибга солиш бўйича қўйилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оши-риш, шунингдек, қаровсиз қолган хай-вонларни тутиш хизматлари фаоли-ятини такомиллаштириш мақсадида» қабул қилинган.

Ана шу қарорга илова тарзида «Аҳоли пунктларида итлар ва мушук-ларни сақлаш қоидалари» тасдиқлан-ган.

Бу масалани ҳал этишнинг бошқа йўли йўқ; бу борада қатъий қонуний ҳужжатлар асосида тартибли ва мунтазам иш олиб боришни таъминлаш керак. Акс ҳолда, бо-лаларнинг қўм ёки ажриқ майсаларига юма-

эгаси «умумфойдаланишидаги жойлар-да итлар ва мушуклар қолдирган экс-крементларни олиб ташлаш», бунинг учун эса «Итлар ва мушуклар қолди-радиган эксcrementларни дарҳол йи-ғиштириб олиш учун ўзи билан анжом олиб юриши» қоидага киритилган.

Аммо шунча шахар кезиб, аксарият ҳолларда ит ёки мушукни айланти-риб юрган бирор ҳамшахримизнинг қўлида махсус анжом билан ўшбу жон-зотларни сайр қилдираётганига кўзи-миз тушмайди.

«Спутник» массиви 16-дахасида 25 та кўпқаватли уй, 1 мактаб, 1 мактабча таъ-лим муассасаси, 1 савдо маркази ва бозорча, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, 1 майший хизмат уйи ва ҳоказолар мавжуд. Даҳанинг 8 та кўпқа-ватли уйи аҳолиси шахарга бориб келиш учун, асосан, ана шу 286-мактаб ҳовлиси-ни кесиб ўтади. Мактаб стадиони — аҳоли учун ҳам жуда қулай маскан. Ҳам жисмо-ний тарбия ёки спорт билан шугулланиш, ҳам чиқиб, тоза ҳавода бола-чака билан сайр қилиш учун. Аммо, афсуски, кўплар шу сайрга ит ва мушукларини ҳам етаклаб чиқади...

Бу аҳолини шахримизнинг бошқа туман-ларидаги кўпқаватли уйлар майдончалари-да ҳам қўзатиш мумкин.

Қабул қилинган қарор бор. Тартиб-қоидалар қатъий қилиб ўрнатилган. Аммо ҳамма вақт ҳам ёки ҳамма жой-да ҳам шуларга амал қилавермаймиз. Бунинг ким назорат қилади? Қандай қилиб одамларни шу қоидаларга қатъ-ий риоя этишга қўнқитиришимиз?

Бунинг мутасадди ташкилот, ҳар ким ўйнаши керак. Жамоатчилик эса бир чет-да томошабин бўлиб турмаслиги лозим.

Баъзи хонадонларда катта-катта итлар боғланмаган ҳолда боқилади. Билмасдан

Ушбу масала юзасидан шахар Ободон-лаштириш бош бошқармасининг мутасад-дилари билан мулоқотда бўлганимизда улар бошқарма қошидаги дайди хайвон-ларни тутувчи махсус отряд томонидан уларни ўшлаб тегишли жойларга топши-риш ишлари тизимли равишда йўлга қўйилганлигини айтишди. Шунингдек, жорий йилнинг июль ҳолатига жойларда кечқурунлари ҳар бир туманда ўтказил-ган рейдлар давомида қанча қаровсиз хайвонлар ушлангани ҳақида ҳам маълум-от беришди. Бироқ бундай профи-лактика ишлари кўлами катта шахар учун етарли даражада эмас. Модом-ки, масалага янада жиддий ёнда-шиб, отряд ва бригадалар ишини яна-да кучайтириш, шахарнинг барча жойларини қамраб олишга ҳаракат қилиш лозим бўлади. Ана шундагина қутилган натижага эришимизда мум-кин.

Ҳозирда мутасаддилар томонидан шахардаги шитларга илши учун шу мавзудаги тарғибот плакатлари тайёрлан-моқда экан. Ваҳоланки бу ишларни ала-қачон амалга ошириш керак эди.

Хуллас, шахар экологияси ва сани-тар ҳолатини сақлаш деган масалага дайди жонзотларнинг муаммосини бартараф этиш ҳам киради. Бу маса-лани ҳал қилишда ҳеч ким четда тур-маслиги лозим.

Олим МАҲМУДОВ

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Шунинг эс-латиб ўтагимиз, агарда ўзингиз истиқомат қилаётган кўча, маҳалла ва мавзелада дайди ит ва мушуклар кўпайиб кетган бўлса, шахар Ободонлаштириш бош бошқармаси қошидаги махсус отрядга — 247-72-27 телефонни орқали қўнғирок қилишингиз керак бўлади.

ИНТЕРНЕТ: НИМАСИ ФЙДАЮ...

Аллома Абу Наср Форобий «Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, ғушахлоқ ва одобли бўлсин, ёмон ишлардан сақланин, хиёнат ва макр-ҳийладан узоқ бўлсин», дейди.

Бу келажак авлод вакиллари руҳ ва тана сало-матлиги, оппоқ ҳаёлот дунёси, боқира орзуларига зиён етмаслиги лозимлигини аниқлатади. Шундагина унинг келажиги порлоқ, истиқболли юксак бўлади.

Глобаллашув даврида интернет тармоғи ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳасига ўз таъсирини кўрсатмоқ-да. Ёшлар янги технологияларга тезда мослашиб бор-моқда. Бугун «ўргимчак тўри» орқали зарур маълумот-ларни олиш, дўстлар билан мулоқот қилиш, энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш, харидни амалга оши-риш каби кўплаб жараёнларни бажаришимиз мумкин. Аммо бир яхшининг бир ёмони бўлганидек, интернет-нинг ҳам зарарли хусусиятлари бисёр. Бу, айниқса, навиҳол ўсимлар учун хавфлидир.

Мутахассисларнинг фикрича, интернет олами борган сари хавфли ҳудудга айланиб бормоқда. Унинг даража-си сичқонча тугмасини атиги икки марта босиб орқали ҳаёсиликни тарғиб қилувчи сайтларга кириш, ноҳўя таъсирларга қарам бўлиш, турли ўйинларда бевосита иштирок этиш, маблагларни сарфлашда намён бўлаёт-тир.

Бугун ёшларни, айниқса, мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини интернетдан ҳимоя қилиш масаласи кўпчилик ота-оналарни хавотирга солмоқда. Аммо улар бу жараёнда фарзандларига қандай муноса-батда бўлишмоқда? Уларнинг қучли назорати қай дара-жада ўзини оқламоқда?

Мутахассислар ёшларни интернетдан ҳимоялашнинг яхши усули қучли таълим-тарбия асосида ёш авлод-нинг соҳага оид саводхонлигини ошириш, мафқуравий иммунитетни шакллантириш эканлигини таъкидламоқ-да. Назоратнинг қучлилиги ва таққилар эса гоҳида фар-зандларимизнинг бунга янада қучқорроқ шўнғишига олиб келмоқда.

...Сув ҳавзасида қўмилишни ёқтирадиган фарзанди-га ота унинг қучқорлиги, оқими, хавфли жиҳатлари ҳақида айтиб, эҳтиёт чораларини қўриш лозимлигини таъкид-лашни унутмайди. Фарзандининг «Ҳавза нега қучур? Нега оқим тез? Нима қилсам, ҳаётим хавфда қолмай-ди?» каби саволларига эримасдан жавоб беради. Ту-шунтиради ва натижага эришади.

«Ўргимчак тўрининг ҳам болалар ҳаётига кўрсатади-ган таъсири, фойдаю зарарли томонларини шу каби қиёслар орқали бола онига етказиш мумкин. Қучур ҳавзани чегаралаш мумкин, бунинг бола яхши аниқлайди. Шу босис интернетнинг нечоғли қучур ва даҳшатли оқим эканлиги уларга тушунтириш яхши самара беради.

Воиз ал-Кошфиёнинг «Имкон борича болага яхши таълим-тарбия беришга интилиш лозим, токи у ижобий хусусиятларни ўзлаштирсин ва ярамас ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин», деган ибратли сўзлари ана шу жиҳатларни аниқлатади.

Маълумотларга кўра, болаларнинг 38 фоизи зўра-вонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоизи миллатчилик ха-рактеридаги сайтларни мунтазам қўзатиб боради. Кўплаб сайтларда ахлоқсизлик, зўравонлик, миллатлараро ва диний ихтилофларни, наркотик воситалар ва спиртли махсусотларни истеъмол қилиш тарғиб этилмоқда.

— Бундан бир неча йил олдин бўлган бир воқеа ҳаммамизга сабоқ бўлган эди, — дейди Юнусобод туман-идаги «Янги ҳаёт» маҳалласи оқсоқоли Ваҳобжон Эр-гашев. — Айни ёз вақти, болалар таътилда. Маҳалла-миздаги ўн бир ёшли болалар кўн бўйи уйда қаровсиз қолгани бос, аввал уйдаги компьютерда оддий ўйин-лар ўйнаб, сўнгга интернет орқали ёшига мос бўлма-ган турли сайтларга кириб, олди захарланиди. Қўча-қўйда тенгдошларига таҳдид қилиб, уларга тигли ан-жомларни кўрсатиб қўрқитади. Бунинг эшитганимиздан сўнг ота-онаси ва фарзандига тушунтириш ишларини олиб бордик ва болани бу йўлдан қайтаришга эриш-дик. Аммо бу хавф-хатарнинг бутунлай олди олинди дегани эмас.

Шу ўринда халқимизнинг «Доно одам дардига малҳам қидиргандан кўра, касалликни ўзига йўлатмайди», деган ҳикматини эслаш ўринлидир.

Айни вақтда болалар учун хордик чиқариш, жангари фильмлар кўриш, таҳовузкор ўйинлар ўйналадиган ком-пьютер хоналари, интернет клублари фаолиятини тар-тибга солиш борасида тизимли чора-тадбирлар қўри-лмоқда. 2010 йилда «Ўзбекистон Республикасининг Маъ-мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар қилиш ҳақида»ги ва «Вояга етмаганлар ўртасида на-зоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунлар бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омили бўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги-дан олинган маълумотларга кўра, умумтаълим мактаб-лари қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳлар ўқув-чиларнинг бўш вақтини маъмурий ўтказиш, уларни тур-ли фан, бадий ижодиёт, спорт-соғломлаштириш каби тўғрақларга жалб этишга қўмақлашмоқда. Ижодий фестиваллар, кўргазмалар, ижтимоий ақциялар, спорт мусобақалари уларнинг салоҳияти ва интилишларини рўёбга чиқаришда муҳим омили бўлаётди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ёзни «Камолот» би-лан!» лойиҳаси ҳаётга таътиб этилмоқда. Лойиҳа доира-сида маҳаллалар, таълим масканлари, оромгоҳларда «Бах-ли болалик», «Тилларни ўрганишимиз», «Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш», «Огоҳлик дарслари» каби тарғибот тад-бирлари, «Одам савдоси — давр муаммоси», «Ҳуқуқбу-зарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш», «Тинч-лик, оқсоқиллик учун курашмоқ керак», «Жиноят ва ҳазо» мавзуларида семинарлар, «Фарзандлик ҳуқуқи» лойиҳаси, маданий маърифий тадбирлар ёшлар маъна-виятини юксалтириш, уларнинг ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан тасаввурини шакллантиришга хизмат қилишмоқда. «Ёш техниклар», «Ёш рассомлар», «Ҳай бекаси» каби тўғрақлар ўқувчи-ёшларнинг билимлари-ни бойишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бу каби тарғибот-тушунтириш ишлари жараёнида ёшларда интернетнинг фойда ва зарарли хусусиятлари, турли иллатларнинг инсон омилига салбий таъсири, ки-тобхонликнинг аҳамияти, миллий қадриятларнинг бар-давонлиги каби масалаларга алоҳида эътибор қарати-лмоқда, — дейди «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази мутахассиси Шохида Қосимова. — Бу уларда ахборот маконидан тўғри фойдаланиш мадания-тини шакллантириб, ҳаётда ўз муносиб ўрнига эга бўлиш, воқеаларни одилона баҳолай олиш, истиқлолимизнинг қадрига етиш каби тушунчаларни мустаҳкамлайди.


Бу каби савий-ҳаракатлар соғлом фикрли, ҳар томон-лама баркамол авлоднинг тарбиялаш, улар онига вафо-содоқат, ҳаё, меҳр-оқибат, никоҳ, оила, андиша, ота-онага ҳурмат каби тушунчаларни сингдириш, навқирон авлодни мафқуравий ҳуружлардан асраш, уларга тўғри йўл кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай инсоннинг энг муътабар орузси, астойдил интилган асо-сий мақсади — соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама қомил инсонни вояга етказишдан ибо-ратдир.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

Олтинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Ахмад Дониш – Уста Ширин кўчалари чорраҳасидаги кўприк қачон қурилган?

Мутахассис маслаҳати

ИССИҚ ИҚЛИМ
ШАРОИТИДА ТЎҒРИ
ОВҚАТЛАНИНГ

Инсон ўз ҳаёти давомида доимий микроклимдан ҳарорат режимининг кескин ўзгаришларига бўлган температура шaroитида яшайди. Ҳарорат жуда ошиб ёки камайиб кетганда одам организмни ҳудуди термостат сингари ишлайди, яъни организмда ишлаб чиқариладиган энергия (иссиқлик) билан шу энергияни ташқи муҳитга иссиқлик тарзида бериладиган микдори ўртасидаги мувозанат организм томонидан назорат қилиб турилади. Бу эса тана ҳароратининг доимий равишда сақланишини таъминлайди.

Организмда иссиқлик балансининг сақланиши ва ҳарорат режимининг ўзгаришларига мосланишини асосий иссиқликни бошқарувчи орган бўлиши бош мианинг орқа қисмида жойлашган гипоталамус таъминлайди. Гипоталамус гипофизнинг ёнида, мианинг орқа қисмида жойлашган бўлиб, у иссиқ ёки соғуқдан бир зумда таъсирланади. Гипоталамус организмнинг нормал ишлашини таъминлаб туради ва ички секреция безининг умумий тизимига сигналлар юбориб уни оғохлантиради.

Ҳўш, ҳаво иссиб кетган пайтда танамиздаги ўзгаришлар қандай намоён бўлади?

Ҳаво иссиб кетган пайтда қон томирлар кенгайди. Қон тананинг юза қисмига қўйилиб, тери ҳароратини оширади. Шундай қилиб, ташқи муҳитга иссиқлик берилиши кучаяди. Агар тери ҳарорати бундан кейин ҳам ошса, организм иссиқлик тарқатишни тўхтатади. Чўки ташқи ҳаво ҳарорати тана юзасидаги ҳароратдан юқори бўлади. Бундай ҳолларда тер безлари ишга тушади. Шунда, одам терлайди (терлаш йўли билан иссиқлик чиқариш организмдаги ортақ иссиқликни чиқариб ташлашнинг ягона йўли ҳисобланади).

Бирок ҳаво намлик билан тўйинган бўлса, иссиқлик одам танасидан тери орқали чиқиб кета олмайди ва шунда тана ҳарорати кўтарилди. Иссиқлик ишлаб чиқариш ва берилиш назорат қиладиган орган ишламай қўяди. Бунинг оқибатида тананинг ҳаддан ташқари иссиб кетиши кузатилади ва натижада бу кишининг ҳолдан тойишга, умумий аҳолининг ёмонлашуви, пульс тезлашуви бош айланishi, бош оғриғига олиб келади.

Одамни иссиқлик уриши янада хавфлироқдир. У тўсатдан юз беради ва кўпчилик ҳолларда танамизда кўнгил айнаishi, кўриш қобилиятининг кескин пасайиши билан намоён бўлади. Бундан ташқари тери қизариши, айрим ҳолларда қўйиши мумкин. Мианинг иссиқлик идора қилиш маркази ишламай қолгани оқибатида организм ортақ иссиқликни ўзидан чиқара олмайди ва одам ҳудуддан кетади. Ҳалқ тилида «оғ-тоб урибди», дейилади. Хуллас, иссиқ ҳаво организмнинг ички қисмига тўпланиб бутун аъзолар фаолиятини бузди. Жумладан, нерв ва юрак қон-томир тизимлари фаолиятининг бузилишига олиб келиши мумкин. Юқоридagi об-ҳавонинг нуқул таъсиротларига тананинг қаршилик кўчини ошириш ва жазирама иссиқдан сақланиш учун қўйиладиган чора-тадбирлар тавсия этилади. Санаб ўтилган аломатларни ўзингизда сезсангиз дарҳол шифокорга мурожаат қилинг, меҳнат қилиш ва дам олишни тўғри ва тартибли, бир маромда ташкил қилинг, меҳнат қилиш жараёнида дам олиш учун вақти-вақти билан танаву қилиб туринг (ҳар соатда 10-15 дақиқа

дам олинг), фаол дам олишдан пассив дам олишга ўтиш лозим. Пассив дам олишнинг асосий тури нормал ва соғлом уйқудир, ухлашдан олдин тоза ҳавода 40-60 дақиқа хотиржам сайр қилинг, ёзда деразани очиб ухланг, дам олиш жойларида, боғларда чирйили манзарали сув бўйларига пиёда сайр қилсангиз нур устига аъло нур бўлади, сайрдан сўнг организмни бушаштирадиган энгил машқларни бажаринг, илқ душ қабул қилинг, имкони борича дам олиш кўнларини ҳавоси салқин бўлган жойларда ўтказинг, қўйишнинг олдини олиш учун махсус ортобдан сақловчи кремлалдан фойдаланинг, офтоб урганда баданини ҳўл сочиқ билан ўранг. Терининг қўйган жойига қўйқисмон малҳам пантенол ёки олазол (спрей) сепинг, халқ табибатида қўйган жойга ўрикни, бодирингни эзиб қўйиш ёки қатиқ суртиш ҳам тавсия қилинади.

Организмда об-ҳавонинг нуқул таъсиротларига қарши химоя кўчларини ошириш учун гигиенлик қоидаларига амал қилиш лозим. Улар қўйиладиган: шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилинг, қовурилган таомларни камроқ истеъмол қилинг (қовурилган таомлар меъдани таъсирлайди, қўйин ҳазм бўлади), кўп овқат еманг. Организм фақат кучи етадиган овқатни сингдирадиган, қолган овқат эса организмга оғирлик қилади ва ҳар хил касалликларга сабаб бўлади, ёғли ва шўр таомларни чекланг (яъни таомда туз микдорини камайтиринг), овқат калориясини камайтиринг, оқсилли овқатларни сабзавотли овқатлар билан алмаштиринг, ўрик шарбати, сабзи, олма шарбати, қора смородина шарбатидан кўпроқ истеъмол қилинг, сабзавотларни хомлигича, турли салатлар тарзида истеъмол қилинг, мева ва сабзавотларнинг пўсти жуда фойдали, шу сабабли уларни яхшилаб юйиб, арчимасдан ейиш керак, ёғсиз сузма, творог, қатиқ, айрон каби сўт маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилинг, кўпроқ суюклик ичинг. Ҳар бир киши меърида 1 суткада 2,5-3 литр сув ичиши лозим бўлса, кўннинг иссиқ пайтда сув микдорини оширинг.

Доривор гиёҳ даламаларини оила шифокори билан маслаҳатлашган ҳолда ичиб туринг. Жумладан, мойчечак, тоғ райхони, кийик ўти, қирқбўғин, чаён ўт каби доривор ўтлардан кўпроқ фойдаланинг. Хуллас, маромли ҳаёт тарзига, гигиенага, парҳезга, яъни овқатланишда табиийлик ва меъерликка амал қилсак, табиатнинг барбод қилувчи қўлларидан ўзимизни химоя қилган бўламиз. Зеро, ҳар бир инсон ўз соғлиғи учун масъулдир.

Раҳима ЧўЛПАНОВА,
Тошкент шаҳар саломатлик ва
тиббий статистика институти
Ташкилий-услубий бўлими
бошлиғи

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлган каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприklar, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янги ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакорр шахримиз кўрғига кўрк қўймоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга ояётган ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми»

«Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб голиб саналади.

Ҳар ўн та саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган голиб аниқланади.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мулқат голиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар:
233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Э Ё Л О Н !

Тошкент шаҳрида йўловчи ташвиш йўналишларида ишлаш
ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъий назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортда шаҳарда йўловчи ташвиш ишлари амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қўйидаги йўналишлар қўйилади:
2015 йил «20» август

соат 10⁰⁰ да

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1.	2A	«Чилонзор 25-дахаси АШБ – Экскаватор заводи бекати»	Автобус
2.	8A	«Сергели 7- мавзеси АШБ – Чилонзор 25-дахаси АШБ»	Автобус
3.	13A	«Изза мавзеси АШБ – Тошкент МУМ АШБ»	Автобус
4.	32A	«Эркин кўргони АШБ – Гулобод кўчаси бекати»	Автобус
5.	33A	«Истиклол кўчаси – Карвон бозори бекати»	Автобус
6.	34A	«Тўқимачилик комбинати – Шифокорлар шаҳарчаси»	Автобус
7.	38A	«Сергели 7-дахаси АШБ – Ўзбекишлюқмаш заводи»	Автобус
8.	41A	«Чилонзор 25-дахаси АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ»	Автобус
9.	56A	«Далагузар майдони – Чорсу савдо маркази АШБ»	Автобус
10.	57A	«Эркин кўргони АШБ – Олой бозори бекати»	Автобус
11.	69A	«Карвон бозори бекати – Тошкент вокзали АШБ»	Автобус
12.	70A	«Чилонзор 20-дахаси АШБ – М.Юсуф кўчаси»	Автобус
13.	77A	«Чилонзор 25-дахаси АШБ – Маҳаллий Аэропорт-3»	Автобус
14.	80A	«Жанубий вокзал АШБ – М.Юсуф кўчаси»	Автобус
15.	84A	«Эркин кўргони АШБ – Гулобод кўчаси бекати»	Автобус
16.	94A	«Изза мавзеси АШБ – Халқаро Аэропорт бекати»	Автобус
17.	103A	«Чорсу савдо маркази АШБ – Қўвшли концелярия моллари бозори»	Автобус
18.	122A	«Карвон бозори бекати – Қўйлиқ М2 АШБ»	Автобус
19.	132A	«Сергели 7-дахаси АШБ – Гулобод кўчаси бекати»	Автобус
20.	135A	«Тўқимачилик комбинати – Назарбек кўргони»	Автобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такоран қўйиладиган йўналишлар

1.	5A	«Гулобод кўчаси бекати – Феруза мавзеси»	Автобус
2.	11A	«Маҳаллий Аэропорт-3 – Белтепа мавзеси»	Автобус
3.	24A	«ТТЗ АШБ – Юнусобод 6-дахаси АШБ»	Автобус
4.	25A	«Чорсу савдо маркази АШБ – Чилонзор 20-дахаси АШБ»	Автобус
5.	29A	«Хувейдо маҳалласи – Малика фабрикаси бекати»	Автобус
6.	42A	«Бешёғоч майдони бекати – Кенсой кўргони»	Автобус
7.	43A	«Юнусобод 6-мавзе АШБ – Физикатрия институти»	Автобус
8.	58A	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Экскаватор заводи бекати»	Автобус
9.	65A	«Чорсу метроси АШБ – М.Фозилов ж.х.»	Автобус
10.	76A	«Қора Қамиш 2/4-мавзеси АШБ – Тошкент вокзали АШБ»	Автобус
11.	82A	«Юнусобод 17-дахаси бекати – Ибн Сино-2 мавзеси АШБ»	Автобус
12.	85A	«Қора Қамиш 2/4 мавзеси АШБ – Чилонзор МУМ АШБ»	Автобус
13.	86A	«Сергели кўргони – Чилонзор буюм бозори АШБ»	Автобус
14.	89A	«Қорасув 1-мавзеси АШБ – Чорсу савдо маркази АШБ»	Автобус
15.	100A	«Қора Қамиш 2/4 мавзеси АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ»	Автобус
16.	109A	«Чорсу метроси АШБ – Чўқурсой темир йўл станцияси»	Автобус
17.	111A	«Оқтепа майдони бекати – Юнусобод 9-мавзеси АШБ»	Автобус
18.	116A	«Шифокорлар шаҳарчаси АШБ – Чилонзор буюм бозори»	Автобус
19.	118A	«Чилонзор буюм бозори АШБ – Узпославдо»	Автобус
20.	126A	«Тошкент қувур заводи бекати – Чорсу савдо маркази АШБ»	Автобус
21.	129A	«Авиасозлар АШБ – Юнусобод-17 даҳаси бекати»	Автобус
22.	131A	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Олимпия меҳмонхонаси бекати»	Автобус

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧЭКИ АТ «Савдогар Банк»даги 2021000604197971001 х/р (банк коди 00835, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га 326,000 сўм ўтказилади.

Тендер тақлифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17⁰⁰да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6 уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

Спорт янгиликлари

САБИНАНИНГ ХИТОЙДАГИ
ҒАЛАБАСИ

Мамлакатимизнинг иқтидорли теннисчиси, ITF туркумига кирувчи бир қатор мусобақаларда ғалаба қозониб келаётган Сабина Шарипова Хитойда ўтказиладиган Халқаро теннис федерацияси тақвимида жой олган мусобақани ғалаба билан бошлади.

Турнирнинг яқаллик ва жуфтликлар ўртасидаги баҳсларида муваффақиятли иштирок этаётган маҳоратли теннисчимиз исроиллик Офри Лангрини 6:1, 6:1 ҳисобида енгиб, кейинги босқичда хитойлик Хеоди Йоуга қарши қорға чиқадиган бўлди.

Шунингдек, Сабина жуфтликлар баҳсида Анкита Раина билан биргаликда меҳмон теннисчилар – Йифей Янг ва Лингвей Конглани 6:0, 6:1 ҳисобида мағлуб этди. Теннисчимиз турнирнинг совринли ўринларига эга чиқиши учун барча имкониятлари етарли.

ГАНДБОЛЧИЛАРИМИЗ БОШ
СОВРИН СОҲИБИ

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Халқаро гандбол федерацияси томонидан ташкил этилган «Challenge Trophy – 2015» кубогининг финал баҳсида ушбу спорт тури бўйича дунёнинг энг кучли терма жамоалари қаторида турувчи даниялик тенгдошларини маълумиятга учратиб, яқунда бош совринни қўлга киритди.

Спортчиларимиз мусобақа давомида Греция, Хитой, Испания, Италия терма жамоалари, плей-офф баҳсларида эса Франция ва Польша гандболчилари устидан ғалаба қозонди. Ёш спортчиларнинг маҳоратини ошириш ҳамда тажриба тўплашда ўқув машқлари билан бирга турли нуфузли мусобақаларда иштирок этишлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Гандбол бўйича терма жамоамизнинг мақсади келгуси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXII олимпия ўйинларида иштирок этишдир.

Ботир БЕК

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ўрта махсус, касб-хуна
таълими бошқармаси қўйидаги
таълим муассасаларида вакант
(бўш) бўлган директор
ўринбосарлари лавозимига
танлов эълон қилади

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига		
Касбий таълим бўйича директор ўринбосари лавозимига		
1	Мирзо Улугбек Транспорт касб-хуна коллежи	Мирзо Улугбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 6-й

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари: Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган, ижтимоий фанлар ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув, тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Касбий таълим бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари: Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган, махсус фанлар ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Сўровнома (справка-объективка);
2. Таржимама ҳол;
3. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
4. Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
5. Илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
6. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
7. Паспорт (нусхаси);
8. Тавсифнома;
9. Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.

Тел: 252-23-35.

ди. Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади. Ўзгаришнинг мониторинг хизмати маълумотинога кўра, 22 июль ва Тошкент шаҳрида 22 июль кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Фардан шорққа томон йўналишини ўзгаришнинг шомол сексидида 7-12 метр тезликда эса-

Тошкент оқшоми

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 755

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6711 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ